

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI**



**“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi,
Talabalar ko‘chasi, 70

Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71)
246-64-75

e-mail: mm.markaz@umail.uz

100095, Tashkent city, Talabalar city, Street
Talabalar, 70

Phone: (998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-
75

e-mail: mm.markaz@umail.uz

№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг саккизинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “**Тараққиёт стратегияси – фаровон келажагимиз кафолати**” мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 9 бет.

Хурмат билан,

**“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

“Тараққиёт стратегияси – фаровон келажагимиз қафолати” ҳафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи материаллари.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-onuni-16-10-2018>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-tez-tibbiy-verdam-khizmatini-takomi-17-10-2018>

**АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг қонун

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-onuni-17-10-2018>

**Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтирилади,*

Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга камтарлик фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қонуни

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-onuni-17-10-2018>

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/meva-sabzavot-ma-sulotlarini-tash-i-bozorlarga-chi-arish-sam-18-10-2018>

**“ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

<http://www.uza.uz/oz/documents/davlat-bozhkhona-khizmati-t-risida-gi-zbekiston-respublikasi-19-10-2018>

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА
ИНСТИТУЦИОНАЛ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/davlat-khususiy-sheriklikni-rivozhlantirishning-u-u-iy-ya-in-20-10-2018>

**КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни кимё саноатини жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, кимё соҳаси замонавий саноатнинг “катализатори” бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқариш негизда кимёвий жараёнлар ётади, бу соҳасиз иқтисодиётда тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистон заминда Менделеев жадвалидаги қарийб барча кимёвий элементлар мавжуд, мамлакатимиз углеводородларга бой бўлса-да, кимё саноатимиз асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик каби тармоқлар учун зарур бўлган мураккаб полимерлар, катализаторлар, реагентлар ва синтетик толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Бунинг оқибатида ҳар йили 1,5 миллиард долларлик кимё маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган фосфор ва калийли минерал ўғитлар ҳам мавжуд талабнинг фақат учдан бирини қоплайди, холос.

Мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватлари 60-70 фоизга эскиргани энергия ресурсларининг ортикча сарфланиши, кимё маҳсулотлари таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Ўтган йилдан минерал ўғитга талабни қондириш учун 3,1 миллиард долларлик 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошлади. Бундан ташқари, кимё саноати маҳсулотларини диверсификация қилиш мақсадида 2025 йилгача 4,2 миллиард долларлик яна 17 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Шунинг учун, кимё тармоғига хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини

ошириш “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг муҳим ва устувор вазифаси бўлиши зарур.

Йиғилишда тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё саноатини янада ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, тармоқни ривожлантириш учун янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда азотли ўғитларга талаб 73 фоиз, фосфорли ўғитларга 20 фоиз таъминланмоқда. Азотли ўғит ишлаб чиқариш қувватларининг ўртача эскириш даражаси 64 фоизни, фосфорли ўғит бўйича 77 фоизни ташкил қилади.

Соҳадаги вазиятни яхшилаш мақсадида келаси беш йилда умумий қиймати 2,8 миллиард долларлик 9 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида минерал ўғит ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар кўпаяди. Азотли ва калийли ўғитларга талаб тўла қопланади, фосфорли ўғитларга эҳтиёжни кондириш даражаси бир неча баробар оширилади.

Айни пайтда табиий газнинг атиги 14 фоизи, жумладан, кимё тармоғида 5 фоизи чуқур қайта ишланмоқда. Кремний, каолин ва гипс хомашёсидан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш эътибордан четда қолмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан полиэтилен, полипропилен, полистиролга хорижий давлатлардаги эҳтиёжнинг молиявий қиймати 100 миллиард доллардан ошади. Бу эса биз учун яхши имкониятдир.

Шу сабабли, кимё саноатида маҳсулотлар турини диверсификация қилиш учун органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича 15 та ва ноорганик моддалар бўйича 8 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга ушбу лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Кимё саноатида йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим. Йиғилишда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Соҳага инновациялар умуман жорий қилинмагани, илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Шунинг учун Корея кимё-технологиялари илмий-тадқиқот институти (KRICT) билан ҳамкорликда Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти негизда илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва муҳандислик, кадрлар тайёрлашга ихтисослашган марказ барпо этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддиларга белгиланган барча вазифалар бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИДА ЎҚУВ-СИМУЛЯЦИЯСИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНДИ

Халқаро форум доирасида Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари ва республикамиздаги олий таълим муассасалари ўртасида малакали мутахассисларни ҳамкорликда тайёрлаш мақсадида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўплаб шартномалар имзоланмоқда.

“Россия тиббиётида симуляция ўқитиш жамияти” бутун Россия жамоат ташкилоти аъзоси Чиндиязов Александр Юрьевич ўз ташкилоти ва ҳамкорлик лойиҳаларининг келажақдаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтди.

– Бизнинг ташкилотимиз тиббий таълим ва амалий тиббий хизматда симуляция технологияларини татбиқ этишда кўникмалар ва қобилиятларини ишга солиш, сертификатлаш, беморлар учун хавфсиз тиббий ускуналар технологияларини тадқиқ этиш ва синовдан ўтказиш учун ёрдам беради, – дейди А. Юрьевич. – Симуляциялар соҳаси ҳозирда жуда оммалашмоқда. Биз ёш кадрларга малакали шифокор бўлишлари ва тажрибаларини ошириш учун синовларни одамлар ёки ҳайвонларда эмас, балки роботлар устида олиб боришларини ўргатамиз.

Бу эса ёш шифокорларга тўғри ташхис қўйиш ва беморларни сифатли даволашлари учун катта ёрдам беради.

Сўнгги 2-3 йилда Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тобора кучаймоқда.

Хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институт билан ҳамкорликда пойтахтингизда симуляция марказини куриш устида музокаралар олиб бормоқдамиз.

Ушбу марказ жаҳон ва Россия тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда курилади. Ўзбекистон ва Россиянинг ўқитиш тизими деярли бир хил бўлганлиги сабабли ўзаро бир биримизни тушунишимиз осон бўлади. Шунингдек, мамлакатингизда мазкур соҳа бўйича марказлар барча тиббиёт институтларида мавжуд бўлади.

Таълим сифатини оширишда симуляцион ўқитишнинг қайтариш ва кўп маротаба кузатиш, имитацион ва виртуал тренинг сингари қатор устувор йўналишлари марказ фаолиятига тўлиқ татбиқ этилади.

Ҳозирда бир қатор ўзбек шифокорлари бизнинг ташкилотда тажриба оширишмоқда. Бу эса тез орада икки мамлакат ҳамкорлигида тиббиёт симуляцияси соҳаси жадал ривожланишига сабаб бўлади.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон ва Россия вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорлардир. Президентларимизнинг стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий сазй-ҳаракати туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ушбу учрашуви олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантиқий давомидир. Ўзаро ишонч ва конструктивликка асосланган сиёсий мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг узоқ муддатли истиқболи ва муҳим йўналишларига замин яратмоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 19 октябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, Ўзбекистон ва Россия муносабатлари кейинги икки йилда янада мустаҳкамланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Москва шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислон Каримовга хайкал ўрнатилгани учун кўп миллатли Ўзбекистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Кейинги бир йилда юқори даражада 80 дан ортиқ ташрифлар амалга оширилди. Худудлар ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бугун Тошкентда Худудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтмоқда. Унда Россия худудлари, жамоатчилиги ва бизнесининг мингдан ортиқ вакили иштирок этмоқда. Жорий йил бошидан ҳозиргача товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ўсди. Йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яна бир стратегик лойиҳа – мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси курилиши лойиҳаси бошланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Владимир Путин давлатимиз раҳбарига таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Россиянинг ишончли иттифоқчиси, стратегик шериги эканини таъкидлади.

Сизнинг Россияга ўтган йилги давлат ташрифингиздан кейин икки томонлама муносабатларнинг ҳамма соҳаларида катта ўзгаришлар бўлди. Бу ўринда гап, аввало, иқтисодиёт ҳақида кетмоқда. Биз Ўзбекистон қанчалик тез ва тубдан ривожланаётганини,

мамлакат иқтисодиёти ва халқи учун зарур ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз, деди Россия Президенти.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ҳар томонлама ривожлантириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди, мамлакатларимизнинг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларга доир ёндашувлари мос ёки яқин экани таъкидланди.

Томонлар БМТ, МДХ, ШХТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президентлар хавфсизлик соҳасида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш принципларига асосланган шериклик муносабатларини кенгайтириш Марказий Осиё минтақасидаги янги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш вазифаларини биргаликда ҳал этишга хизмат қилишини қайд этдилар.

Терроризм, экстремизм, айниқса, ёшлар орасида радикаллашувга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнини афғон халқининг ўзи амалга ошириши зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Россия Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига кўмаклашиш борасидаги муҳим саъй-ҳаракатларини юксак кадрлайди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорлик ривожидида ижобий тенденциялар кузатилаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин музокараларни икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирди. Унда савдо-иқтисодий инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Музокараларда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, транспорт ва энергетика соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сентябрь ойида ҳукумат раҳбарлари раислигида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси муваффақиятли ўтказилди. Худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Россиянинг етакчи компания ва банклари билан биргаликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард долларга етди. Бу рақам режалаштирганимиздан ҳам ортиқ. Яқин йиллардаги вазифа савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш, деди Шавкат Мирзиёев.

Владимир Путин давлатимиз раҳбарининг фикрини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон ва Россия ҳукуматларига ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ташриф доирасида умумий қиймати 25 миллиард доллар бўлган савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳужжатлар имзоланганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирган инвестициялари ҳажми 8,5 миллиард доллардан ошади. Ташриф доирасида Президентимиз ташаббуси билан илк бор ўтказилган “Ўзбекистон – Россия” худудлараро ҳамкорлик форуми бу борада катта аҳамият касб этди. Унинг якунида қиймати 2 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар бўйича келишувга эришилгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб бормоқда. Жорий йилда илк бор Ўзбекистон – Россия медиа-форуми ўтказилди, куни кеча Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 80 нафар раҳбари иштирокида Таълим форуми бўлиб ўтди. “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” мавзуидаги мазкур форумда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорлик, жумладан, мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини очиш тўғрисида 100 дан ортиқ келишув имзоланди.

Шавкат Мирзиёев бу кейинги пайтларда ҳамкорликда эришилган юқори марралардан айримлари эканини, Россия Президентининг давлат ташрифи Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ривожига янги, кучли импульс бағишлашини таъкидлади.

Музокараларда маданий-гуманитар алоқаларни, айниқса, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий ўқув йилидан Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали иш бошлади. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Россия давлат нефть ва газ университети филиалларига қўшимча равишда Москва давлат халқаро муносабатлар институти, «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети, Бутунроссия кинематография давлат институти, Москва энергетика институти, Россия кимё-технология университети филиалларини очиш режалаштирилган.

Илм-фан соҳасида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, жумладан, Жиззах вилоятидаги Суффа платосида йирик радиотелескоп барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон – Россия ёшларининг тўртинчи форуми ўтказилади.

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланади. Давлатимиз раҳбари ушбу санани муносиб кутиб олиш мақсадида мамлакатимизда махсус дастур ишлаб чиқиш ва Тошкентда “Ғалаба” боғ-мажмуасини барпо этиш режалаштирилаётганини қайд этди.

Ушбу маскан фашизмга қарши курашимиз рамзи бўлади, ёш авлодни тарихга ҳурмат, ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга хизмат қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли, аввало, ёшларни рус адабиётининг энг сара намуналари билан кенг таништириш мақсадида ўзбек тилида 100 жилдлик "Рус мумтоз адабиёти дурдоналари" тўпламини нашр қилиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунида салмоқли ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф доирасида имзоланган 2019-2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019-2021 йилларда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик дастури, “Суффа” халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича йўл харитаси, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги битим, Тўқимачилик саноатида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алмашилди.

“Мустақилликнинг 25 йиллиги” конини қўшимча разведка қилиш ва жиҳозлаш ҳамда Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича “Ўзбекистон мустақиллиги” инвестиция блокига доир қўшимча битим, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистонда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг филиалини ташкил этиш тўғрисида битим, Фанлараро илмий таълим марказини ташкил этиш тўғрисида битим, Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши ва “Бутунроссия ректорлари иттифоқи” жамоат ташкилоти ўртасида битим, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Россия Федерацияси Миллий гвардия кўшинлари федерал хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ташриф асносида жами 20 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Президентлар тор ва кенг доирадаги музокаралар ҳар доимгидек очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада

ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Давлатларимиз ўртасида дўстона алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил шахсий саъй-ҳаракатлари учун Россия Федерацияси Президентига алоҳида миннатдорлик билдираман, деди Шавкат Мирзиёев.

Биз Ўзбекистон Президенти билан конструктив ва жуда фойдали музокаралар ўтказдик, икки томонлама ҳамкорликка оид кенг доирадаги масалаларни батафсил кўриб чикдик, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдик. Иттифоқчилик ва стратегик шериклик муносабатларимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб олдик. Буларнинг барчаси биз имзолаган Қўшма баёнотда ўз аксини топди. Унда мамлакатларимиз вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари олдидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган, деди Владимир Путин.

Куннинг иккинчи ярмида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президентлар “Ўзэкспомарказ”даги “Ўзбекистон – Россия” биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форумига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин рамзий тугмани босиб, мамлакатимиздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасининг бошланишига старт берди.

Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи кенг кўламли икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлади.